


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5111400 – 2.06

201 7 йил “2” 06



МАМЛАКАТШУНОСЛИК

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	–	Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110 000	–	Педагогика
	120 000	–	Гуманитар фанлар
Таълим йўналишлари:	5111400	–	Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)
	5120100	–	Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили)
	5120200	–	Таржима назарияси ва амалиёти (инглиз тили)

Тошкент – 201 7

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июлдаги 434-сонли буйруғининг 1-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил 2 июлдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

#### **Тузувчилар:**

- |             |   |                        |           |                   |
|-------------|---|------------------------|-----------|-------------------|
| Авилова Х.Н | - | “Профессионал лексика” | кафедраси | катта ўқитувчиси. |
| Бакирова Х. | - | “Профессионал лексика” | кафедраси | катта ўқитувчиси  |

#### **Такризчилар:**

- |                   |   |  |           |                  |
|-------------------|---|--|-----------|------------------|
| Ибрагимходжаев И. | - | ТДИУ, “Инглиз тили”                          | кафедраси | доценти, ф.ф.н.; |
| Қўлдошев А.       | - | ЎзДЖТУ, “Инглиз тили грамматикаси ва тарихи” | кафедраси | доценти, ф.ф.н.  |

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил 28 апрелдаги 9 -сонли баённома).

## **I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

Ушбу фан талабаларга Буюк Британия ва АҚШ давлатларининг аҳолиси, географик ўрни, иқлими, тарихи, жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни, маданияти, урф одатлари ва иқтисоди ҳақида кенг маълумот беришга хизмат қилади. Шу билан бирга, бу фанни ўқитишда асосий эътибор талабаларнинг луғат бойлигини ўқитилаётган тилдаги терминлар, атамалар ва сўз бирикмаларининг маъноларини чуқур англашга, жонли тил билан алоқа қилишларига, ҳозирги замон инглиз тилининг ўзига хос хусусиятларини ўргатишга қаратилади. Бундан ташқари, мазкур фан талабаларнинг ватанпарварлик фазилатларини ривожлантиришга, чет тили орқали маданиятлараро мулоқотни амалга оширишга хизмат қилади.

“Мамлакатшунослик” фани математик ва табиий-илмий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 2 курсда ўқитилиши мақсадга мувофиқ. “Мамлакатшунослик” фани хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили), филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили), таржима назарияси ва амалиёти (инглиз тили) бакалавриат таълим йўналишларида ўқитилади. Мазкур фан нафақат чет тили билан балки тилшунослик, лексикология, фалсафа, сиёсатшунослик, иқтисодиёт ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқдир. Улар биргаликда талабаларнинг маълум йўналишдаги билимларини мустаҳкамлаб баркамол шахс бўлиб етишишларига хизмат қилади.

## **II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси**

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга Буюк Британия ва АҚШ сиёсий иқтисодий географияси ҳақида назарий билимларни, тарихий ривож ва замонавийлиги нуқтаи назаридан иқтисодий, ижтимоий - сиёсий тизими, халқаро муносабатлари, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги геополитик ўрни ҳақида кенг маълумот бериш ва улар ҳақидаги маълумотларни амалиётда қўллай олишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, иқтисодий-ижтимоий ҳодиса ва жараёнларга танқидий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- тил соҳибининг кенг тарқалган кундалик ва касбий вазиятларда сўзлаган нутқини тушуна олишни;

- радио, телевидение, аудио-видеокассеталар орқали тинглаш учун берилган касбга оид аутентик илмий матнларни тушуна олиш ва улардан ўзи учун зарур бўлган ахборотни **билиши** керак.

Булар билан бир қаторда бакалавр:

- матнларни лингвистик хусусиятлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши**;
- инглиз тилида сўзлашадиган давлатлар маданияти хусусиятларини қиёслаш, солиштириш ва таҳлил қилиш;

- хорижий мутахассислар билан касбий ва маиший вазиятларда жонли мулоқот олиб бориш;

- соҳа бўйича, суҳбат, нутқ ва маърузаларни тинглаб зарур бўлган ахборотни ёзиб олиш;

- тили ўрганилаётган мамлакат ҳақида маълумотлар тўплаб аннотация, реферат, маъруза, тақдимот тайёрлаш ва тақдим эта олиш **кўникмаларига эга бўлиши керак**;

- янги информацион технологиялардан касбга йўналтирилган мақсадларда фойдалана олиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

### **III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)**

#### **1-мавзу. “Мамлакатшунослик” фанига кириш**

“Мамлакатшунослик” фанининг мақсади ва вазифаси ҳамда бошқа фанлар билан алоқаси; “Мамлакатшунослик” фани инглиз тилида сўзлашувчи 5 та (давлат тили инглиз тили ) давлатлар: АҚШ, Буюк Британия, Канада,

Янги Зелландия ва Австралиянинг географик ўрни, тарихи, давлат тузилиши, халқи, иқтисоди, миллий урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, машхур шахслари ва уларнинг ҳаёти, ОАВ ва бошқалар ҳақида маълумот беради. Маълум бир мамлакат тилини ўрганиш учун унинг фақат тилини ўрганишнинг ўзи мазкур тилни мукаммал эгаллашда етарли самара бера олмайди. Шунинг учун Мамлакатшунослик фани чет тилларини мукаммал ўргатиш ва ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

## **2-мавзу. Буюк Британия географик ўрни, ҳудуди, қисмлари ва иқлими**

Буюк Британиянинг географик ўрни, жойлашуви, тоғлари, дарёлари, кўллари; Буюк Британия ҳудудини ташкил этувчи регионлари, муҳим шаҳарлари ва иқлими, аҳолиси, аجدодлари, ҳудуди, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигини ташкил қилувчи мамлакатлар: Англия, Шотландия, Уэлс ва Шимолий Ирландия ҳақида маълумотлар.

## **3-мавзу. Буюк Британия тарихи**

Буюк Британиянинг тарихи, Кэльтлар ва Римликлар, Герман кабилалари, Англо-Саксонлар ва Норманлар, Англия қиролликларининг яратилиши, Ўрта Асрлар тарихи – Тудор династиясининг яратилиши, Британия Империясининг вужудга келиши, Наполеон Бонапарт уруши, Виктория асри, 1 ва 2 - Жаҳон урушлари, Европа иттифоқи, Маргарет Тетчер ҳукмронлиги.

## **4-мавзу. Буюк Британия давлат тузumi ва давлат рамзлари**

Буюк Британиянинг давлат тузилиши ва бошқариш тизими, Бош вазир бошқаруви фаолияти, Парламент-Лордлар ва Умумий палата фаолияти, Маҳаллий ҳукумат фаолияти тизими, Маҳкама - Ҳуқуқ соҳаси фаолияти, Англия, Шотландия, Уэлс ва Шимолий Ирландияда фаолият олиб боровчи судлар ва уларнинг турлари, Сиёсий партиялар ва уларнинг фаолиятлари, Торилар партияси, Лейбористлар партияси, Сайловларни ташкил этиш тартиблари; Буюк Британия давлат рамзлари: байроғи, герби, мадҳияси, ўсимлик рамзлари ва муқаддас авлиёлари.

## **5-мавзу. Буюк Британияда таълим тизими**

Буюк Британиянинг мактабгача бўлган таълими, мактаб формалари, мактаб ўқувчиларининг хаёти, давлат ва хусусий мактаблар фаолияти, ўрта ва олий таълими, ўқишдан ташқари фаолиятлар- ижтимоий, маданий ва спорт фаолиятлари, нуфузли университетлар Оксфорд, Кембридж ва уларнинг фаолиятлари.

## **6-мавзу. Британияликларнинг урф-одатлари, байрамлари.**

Буюк Британиянинг байрамлари, урф-одатлари, маданияти ҳамда спорт турлари, миллий анъаналари – Кристмас байрами, Янги йил, Хеллоуен, Пасха, давлат байрамлари, Гай Фокас туни, Хотира байрами, Шотландиянинг Авлиё Эндрю куни байрами, Уэлснинг Авлиё Дейвид куни миллий байрами, Шимолий Ирландиянинг Авлиё Патрик куни байрами, Англиянинг Авлиё Жордж куни миллий байрами ва бошқалар.

## **7-мавзу. Буюк Британия иқтисоди, спорти ва оммавий ахборот воситалари**

Буюк Британиянинг иқтисоди, саноати, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ахборот узатиш воситалари, Британи телевидения ва радио компанияси, ББС, нодавлат телевидение ва радио ташкилотлари, телевидениеда лицензиялаш фаолияти, матбуот, газета ва журналлар турлари ҳамда фаолиятлари, Британия спорт хаёти, футбол, регби, крикет, стол тенниси ва кўплаб бошқа спорт турлари фаолиятлари.

## **8-мавзу. АҚШ географик ўрни, аҳолиси ва табиий қазилма бойликлари**

Америка Қўшма Штатлари географияси, худудий жойлашуви, дарёлари, кўллари ва тоғлари, АҚШ иқлими, асосий шаҳарлари, аҳолиси, ўсимликлар ва хайвонот дунёси, табиий ресурслари, ер усти ва ер ости бойликлари, атроф мухитни муҳофаза қилиш ташкилотлари фаолиятлари, АҚШ вилоятлари: Шимолий шарқий вилоят штатлари, Ўрта Атлантика вилояти штатлари, Жанубий вилоят штатлари, Ўрта-ғарб вилояти штатлари, Жанубий Ғарбий вилоят штатлари, Ғарб вилояти штатлари.

## **9-мавзу. АҚШ тарихи**

АҚШ тарихи, мустамлака давридан аввалги Америка хаёти, Европа кашфиёти, Викинглар, Американинг мустамлака даври хаёти, Англиянинг 13 мустамлакаси, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий имкониятлар, мустамлакачилар ва ҳукумат, мустақиллик ҳаракатлари, мустақиллик декларациясининг имзоланиши, Буюк империя устидан ғалаба, янги миллатнинг шаклланиши, янги ҳукуматнинг ташкил этилиши, ижтимоий реформалар, АҚШда фуқаролар уруши ва қайта қуриш, саноатлаштириш ва реформалар, янги маҳсулотларнинг яратилиши ва вожлантирилиши, табиий ресурслар, АҚШнинг жаҳон урушларида иштироки, АҚШнинг иккинчи жаҳон урушидаги тутган ўрни.

## **10- мавзу. АҚШ давлат тузуми ва давлат рамзлари**

АҚШнинг давлат тузилиши, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳуқуқ соҳаси фаолиятлари, АҚШ конгресси, АҚШ Конституцияси ва унинг таркиби, сиёсий партиялар фаолиятлари, сайловларни ўтказиш тартиби, давлат рамзлари, байроғи, герби, мадҳияси, Озодлик хайкали, миллий рамз сифатида қабул қилинган қушлари, ҳайвонлари ва ўсимликлари, ва хоказолар.

## **11-мавзу. АҚШ таълим тизими**

АҚШнинг мактабгача бўлган таълими, ўрта ва олий таълими, мактаб формалари, мактаб ўқувчиларининг хаёти, давлат ва хусусий мактаблар фаолияти, ўрта ва олий таълими, ўқишдан ташқари фаолиятлар-ижтимоий, маданий ва спорт фаолиятлари, нуфузли университетлар, олийгоҳларга қабул қилиш тартиби, имтиҳонлар, АҚШ ва Буюк Британия таълим тизими ўртасидаги фарқлар ва ўхшашликлар.

## **12-мавзу. АҚШ маданияти**

АҚШнинг байрамлари, урф-одатлари, Янги йил, Қирол Мартин Лутер куни, Президент куни, Авлиё Валентин куни, Авлиё Патрик куни, Апрель ҳазил куни, Май байрами, Халқаро Оналар байрами, Пасха, Хотира куни, Миллий Байроғ куни, Мустақиллик куни, Оталар куни, Ишчилар куни, Колумб куни, Хеллоуэн, Сайлов куни, Ветеранлар куни, Шукроналик куни,



Исо пайғамбар куни ва бошқа байрамларнинг нишонланиш урф одатлари, маданияти.

### **13-мавзу. АҚШ иқтисоди, спорти ва оммавий ахборот воситалари**

АҚШ иқтисоди, саноати, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ахборот узатиш воситалари. АҚШ телевидения ва радио компаниялари, нодавлат телевидение ва радио ташкилотлари, телевидениеда лицензиялаш фаолияти, матбуот, газета ва журналлар турлари ҳамда фаолиятлари, интернет, АҚШ спорт хаёти, бейзбол ва кўплаб бошқа спорт турлари фаолиятлари, Америка маданияти ва машхур жойлари: музейлари, мемориал ва монументлари, АҚШ пойтахти, Нью-Йорк, Беверли Хиллс, Лиидс қасри, Марк Твен, Абрахам Линкольн, Томас Эдисон, Эрнест Хемингуэй, Теодор Рузвельт, ва бошқалар хақида маълумот.

### **14-мавзу. Инглиз тили давлат тили ҳисобланган мамлакатлар**

Канада, Австралия, Янги Зеландия - инглиз тили давлат тили ҳисобланган мамлакатлар географияси, дарёси ва тоғлари, иқлими, урф-одатлари, географик ўрни, жойлашуви, тоғлари, дарёлари, кўллари, мамлакатлар ҳудудини ташкил этувчи регионлари, муҳим шаҳарлари ва иқлими, аҳолиси, аждодлари, ер майдони, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси.

## **IV. Семинар машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Семинар машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. “Мамлакатшунослик” фанига кириш
2. Британия географик ўрни, ҳудуди, ва иқлими
3. Буюк Британия тарихи
4. Буюк Британия давлат тузуми
5. Буюк Британияда таълим тизими
6. Британияликларнинг урф-одатлари, байрамлари.
7. Буюк Британия иқтисоди, спорти ва оммавий ахборот воситалари
8. АҚШ географик ўрни, ҳудуди, аҳолиси, табиий қазилма бойликлари
9. АҚШ тарихи



10. АҚШ давлат тузуми
11. АҚШ таълим тизими
12. АҚШ маданияти
13. АҚШ иқтисоди ва оммавий ахборот воситалари
14. Инглиз тилида сўзлашувчи давлатлар

Семинар машғулотлар мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

### **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Буюк Британиянинг вужудга келиши;
2. Қироллик шажаралари: “Англо-саксонлар, нормандлар ва б.”;
3. Буюк Британия бирлашган қироллигининг географик ўзига хосликлари, табиий бойликлари;
4. Парламентнинг вужудга келиши;
5. Сиёсий партияларнинг юзага келиши;
6. Англий, Шотландия, Уэльс ва Шимолий Ирландия таълим тизимининг ўзига хосликлари;
7. Санъат соҳасидаги машҳур сиймолар;
8. Буюк Британияда илм-фан тараққиёти;
9. Британия фестивалларидаги анъана ва урф-одатлар;
10. Британияда ўтказилган машҳур спорт мусобақалари.
11. Америка Қўшма Штатларининг вужудга келиши;
12. АҚШ тараққиётига улкан ҳисса қўшган президентлар;
13. АҚШнинг географик ўзига хосликлари, табиий бойликлари;
14. Сенатнинг вужудга келиши;
15. Сиёсий партияларнинг юзага келиши;
16. Штатларнинг ўзига хосликлари (пойтахт, штатнинг мадҳияси, энг катта шаҳар, энг машҳур шаҳар, штатларнинг рамзлари ва б.);

17. АҚШ санъатидаги машҳур сиймолар;
18. АҚШда илм-фан тараққиёти;
19. АҚШ байрамлари, уларни ўтказишдаги урф-одатлар;
20. АҚШда спорт тараққиёти;
21. АҚШ, Буюк Британия ва Ўзбекистонда жамият ва маданият.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан тақдимот тайёрлаш тавсия этилади.

## **VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари**

### **Асосий адабиётлар**

1. Janet Cameron, The English-Speaking World. Cideb UK, 2012.
2. Yakubov I. English speaking countries. Tashkent, 2004.
3. Бакирова Х.Б, Хакимов Х.И. Country Studies. Тошкент 2016.
4. Muminov A., Tuhtasinov I. Country Study. Tashkent, 2015.

### **Қўшимча адабиётлар**

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
9. David W. Blight. American History, Harvard University Press, 2012.
10. Bill Bowler and Lesley Thompson Timesaver British History Highlights Oxford Cambridge. 2005.
11. Hasan Bakhshi, John Davies, The geography of the UK’s creative and High-Tech economies. Nesta, 2015.
12. Воронцова Е.А., Introduction to Country Studying: The United Kingdom of Great Britain and Northern Ireland. Барнаул, 2015.
13. Атаханова Г.Ш, Вышегурова С.Х., Ким Ю.С. LECTURES ON COUNTRY STUDY. - Т, 2010 (<http://www.ziyonet.uz>)

## Интернет сайтлари

14. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали
15. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
16. <http://www.britishcouncil.org>
17. <http://www.bbc.co.uk>
18. <http://www.uk.ru>
19. <http://encyclopedia.farlex.com>
20. <http://en.wikipedia.org>
21. <http://www.usa.gov>

